

“ИНФОРМАТИКА”

фанидан

ДАСТУР

Тузувчи: тех. ф. д., проф. Аюпов Р.Х.

Такризчилар: тех. ф. д. Зокирова М.Ш.

к. ўқ. Азларов А.Х.

“Информатика” фани бўйича дастур иқтисодий йўналишдаги олий ўқув юртлирининг биринчи курс талабалари таълим олиши учун ишлаб чиқилган бўлиб, кириш, 16 мавзунинг асосий саволлари, лаборатория машғулоти ва мустақил таълим мавзуларидан иборат. Мавзуларнинг кетма - кетлиги, маъноси талабаларнинг ўрганилаётган фан бўйича чуқур ҳамда атрафлича билим олишлари нуқтаи - назаридан ишлаб чиқилган.

Программа курса “Информатика” предназначена для обучения студентов первых курсов экономического направления и состоит из введения, шестнадцати основных тем, лабораторных и самостоятельных занятий. Последовательность и смысл тем построена с точки зрения глубокого и всестороннего изучения данного курса “Информатика”.

The program of the course of “Informatics” developed for first year form students of the economic education and consist of introduction, sixteen main topics, practical and self - preparation topics. Consequenses and meaning of topics constructed with point of view deeply and widely learning of the course of Informatics.

Дастур Тошкент молия институти илмий кенгашида муҳокама қилинди ва тасдиқланди (25 апрель 2002 йил 9 - сонли баённома).

1. СЎЗ БОШИ

Ўқитишнинг мақсади ва вазифалари

Ушбу дастур Ўзбекистон Республикасидаги иқтисодиёт йўналишидаги университет ва институтларда ўқитиладиган информатика фанига бағишланган бўлиб, унда компьютерлаштириш умумий йўналиши билан боғлиқ бўлган концептуал масалалар, иқтисодий масалаларни кўйиш ва уларни компьютер ёрдамида ечиш муаммолари, алгоритмик тилларда дастурлар тузиш масалалари, замонавий катта ва шахсий компьютерларнинг тузилиши ва ишлаши, уларнинг тизимли ва амалий дастурий таъминоти ҳамда ушбу амалий дастурларда ишлаш, информация узатиш тармоғи хусусиятлари ва унда ишлаш, интеллектуал ва эксперт тизимлар тузилиши ва уларнинг асосий турлари каби асосий масалалар кўриб чиқилади. Талабалар бу курсни тугаллагандан сўнг, молия - кредит ва иқтисодий соҳалардаги дастурий - техник воситалар, Windows, Word, Excel, Access, PowerPoint ва шунга ўхшаш дастурларда ишлай олиш ҳамда иқтисодий йўналишдаги амалий масалаларни еча олиш ва мавжуд ҳисоблаш тармоқларидаги дастурларда ишлай олиш кўникмаларини ҳосил қиладилар. Талабаларнинг олган билим ва кўникмалари кейинги, юқори курсларда ўтиладиган бошқа фанларни ўрганиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ўқув режадаги бошқа фанлар билан алоқаси

“Информатика” курси бир томондан “Информацион технологиялар”, “Олий математика” ва “Математик программалаш” фанларининг фундаментал назариясига асосланган бўлиб, уларга узвий боғлиқ равишда ўтилади. Иккинчи томондан у барча молия - иқтисод фанлари учун асосий манба бўлиб ҳисобланади.

Ўқув фани бўйича талабаларнинг билимига, уқувига ва кўникмасига талаблар

Талабалар ушбу курсдан тўлақонли сабоқ олишлари ва бу фанни яхши ўзлаштиришлари учун улар мактаб дастури миқёсида компьютер ҳақидаги билимларга эга бўлишлари лозим. Яъни, компьютернинг ташқи қурилмалари, программалаштириш асослари, алгоритмлаштириш ва алгоритмлар тузиш, блок - схемалар билан ишлаш, бирор - бир тилда программа туза олиш ва ушбу программаларни компьютерга киритиш ва уларни созлаш, компьютернинг кўшимча қурилмаларининг ишини тушуниш каби мактаб дастурига оид билимларни ўзлаштириб олишлари лозим.

Амалий, машғулотлар бўйича бажариладиган минимал топшириқлар сонига бўлган талаблар

Талабалар “Информатика” курсини ўрганиш жараёнида ҳар бир маъруза мавзуси билан узвий равишда боғланган ва унинг жиҳатларини атрофлича тушунишга имкон берадиган амалий ва лаборатория машғулотлари бўйича таълим оладилар. Улар ушбу машғулотлар давомида информатика фани билан боғлиқ дастурий - техник воситаларни, амалий дастурларни, тизимли дастурий таъминот компоненталарини, информация узатиш, қабул қилиш ва қайта ишлаш тизимларини ҳамда дастурлаштириш усулларини атрофлича ўрганиб, пухта ўзлаштирадилар ва кейинги юқори курсларда таълим олиш учун малака орттирадилар. Талабалар амалий ва лаборатория машғулотлари ўтказиш жараёнида хусусий компьютерда ва унинг асосий дастурли воситаларида ишлашни ўзлаштириб олишлари лозим. Фан бўйича ажратилган аудитория соатларининг 57,1 % (72 с.) лаборатория машғулотларидан иборат. Бундай машғулотларда маъруза мавзуларига оид мисол ва масалалар компьютер ёрдамида ечилади.

Аудитория машғулотлари турларининг соатлар ҳажми бўйича тавсиялар

Давлат таълим стандартларига кўра мазкур курсга 189 соат ҳажмида вақт ажратилган. Уларнинг 54 соати маъруза (28,6 %), 72 соати лаборатория машғулотлари (38,1 %), 63 соати мустақил таълимдир (33,3 %). Информатикадан талабаларни олган билимлари олий ўқув юртини тамомлагандан сўнг, кундалик фаолиятида учрайдиган долзарб амалий масалаларни ечишларида ҳамда замонавий иқтисодиётга доир муаммоларни ҳал қилишларида қўл келади.

Талабалар билимини баҳолаш учун ўтказиладиган назорат тадбирлари миқдори

“Информатика” фанидан талабалар билимини баҳолаш учун ўтказиладиган назорат тадбирлари – жорий ва оралиқ баҳолашда талабалар фанга ажратилган аудитория соатларининг 70 % миқдоригача, якуний назоратда эса 30% миқдоригача балл тўплашлари мумкин. Мазкур фан икки семестр давомида ўтказилади ва бу давр ичида талабаларнинг билим даражасини баҳолаш учун ҳар семестрда икки марта жорий, икки марта оралиқ ва бир марта якуний назорат ўтказилади. Ҳар бир оралиқ баҳолашдан талабалар энг кўпи билан 8,75 % дан, жами 35 %, ҳар бир жорий баҳолашда 8,75 % дан, жами 35 %, якуний баҳолашдан эса 30 % балл тўплашлари мумкин. Талабалар билимини баҳолаш

учун кафедра томонидан ишлаб чиқилган ва институт услубий кенгаши томонидан тасдиқланган услубий кўрсатмалардан фойдаланилади.

Компьютер, информация ва бошқа замонавий ўқитиш технологияларни қўллаш

Дастур бўйича самарадор ва замон талабларига жавоб берадиган даражада дарс бериш учун қуйидаги техник воситалар зарур бўлади:

1. IBMхусусий компьютерлар оиласига мансуб ва техник кўрсаткичлари PentiumII - IV га мос бўлган даражадан кам бўлмаган компьютер синфлари, ҳар бир синфда камида 10 та компьютер ва худди шунча талаба бўлиши талаб этилади.
2. Лицензияси мавжуд ва фаол шароитда ушлаб туриладиган замонавий программа дастурлари. Масалан, Windows ва MicrosoftOffice программа дастурларига мансуб амалий программалар.
3. Ҳар бир факультет учун камида 2 тадан диапроекторлар ва уларга тегишли бўлган керакли материаллар.
4. Компьютерларнинг бир - бири билан мулоқот қила оладиган локал тармоқ ҳосил қилиш учун зарур бўлган техник ва программавий воситалари.
5. Электрон почта ташкил қилиш воситалари ва унга тегишли техникавий ва дастурий ресурслар.
6. Интернет информация алмашилиш тармоғига уланиш, унинг нормал ишлаши учун лозим бўлган ресурслар ва унда ишлаш қоидалари.

Ушбу фанни ўқитишда илғор педагогик технологиялар ва унинг хилма - хил усул (қоида)лари кенг миқёсда қўлланилади. Булар жумласига ишбилармон ўйинлар, интернет тизимида ишлашни ўрганиш, таянч иборалардан фойдаланиб рейтинг баҳолашни амалга ошириш, талабалар билимини компьютерда ва бевосита узлуксиз тестлаштиришни амалга ошириш, ишлаб чиқаришнинг асосий иқтисодий ва компьютерлаш бўлимларига саёхатлар уюштириш, компьютерда иқтисодий ўйинларни ташкил қилиш ва уларнинг таҳлили, танқидий мушоҳада - фикрлашни ривожлантириш усуллари қўллаш, лаборатория ва амалий дарсларни бир - бирига мувофиқ тарзда ташкил қилиш, ҳисоботлар, рефератлар тайёрлаш ва уларни талабалар орасида ҳимоя қилиш, информация системаларни бошқариш соҳасида энг янги адабиётларни қўллаш, ўрганиш кабилар киради.

Талабалар маъруза дарслари, амалий машғулотлар ва лаборатория дарсларида ўз билимларини чуқурлаштириб, компьютер техник ва дастурий воситаларини чуқур ўзлаштириб оладилар ҳамда унинг периферия /ташқи/ воситаларини онгли равишда бошқаришни ўрганадилар. Улар ушбу курсни тугаллаганларидан сўнг, молия - кредит ва иқтисодий соҳалардаги дастурий - техник воситалар Windows, Word, Excel, Access, PowerPoint ва шунга ўхшаш амалий дастурларда ишлай олиш, иқтисодий йўналишдаги амалий масалаларни еча олиш ҳамда мавжуд ҳисоблаш тармоқларидаги дастурларда ишлай олиш кўникмаларини ҳосил қиладилар. Талабаларнинг олган билим ва кўникмалари кейинги, юқори курсларда ўтиладиган бошқа фанларни ўрганиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Иш дастурини тузишга оид услубий тавсиялар

Мазкур фан бўйича ишчи ўқув дастурини тайёрлашда қуйидагиларга эътибор берилиши шарт:

1. Намунавий дастурда кўрсатилган мажбурий мавзулар, албатта, ишчи дастурга киритилиши керак;
2. Маъруза ва лаборатория машғулотларнинг мавзулари намунавий дастур асосида тузилса ҳам, ундаги мавзулар кетма - кетлиги ўзгариши ҳамда айрим мажбурий бўлмаган мавзулар мустақил таълимга ўтказилиши мумкин;
3. Дастурдаги мустақил таълим учун ажратилган мавзулар ишчи дастурда ҳам кўрсатилиши керак;
4. Ишчи ўқув дастури ҳар йили тузилади.

Шунинг учун ундаги мустақил таълим мавзулари янги мавзулар тўлдириб борилади, адабиётлар рўйхати, информацион - техник воситалари рўйхати ҳам ўзгариб боради.

2. ФАН ДАСТУРИ

Иқтисодий информатика фанига кириш ва курснинг мазмуни

Ҳисоблаш техникаси ва информатиканинг халқ хўжалигидаги аҳамияти.

Ҳисоблаш техникаси ривожланиши тарихи ваасосий босқичлари.

Ҳисоблаш техникасининг классификацияси.

ЭҲМ нинг турлари ваасосий оилалари.

Микропроцессор техникасининг халқ хўжалигидаги аҳамияти.

Хусусий компьютерлар ҳақида тушунча

Хусусий компьютерларнинг яратилиш тарихи, очик архитектура принципининг ишлатилиши ваахамияти.

Хусусий компьютерларнинг асосий турлари, таркибий қисмлари ва периферия воситалари.

Хусусий компьютернинг структуравий - функционал схемаси ва ишлаши.

Ташқи олам билан алоқа каналлари орқали боғланиш воситалари.

Модемлар, кодерлар, декодерлар ва мультимплексорлар

Хусусий компьютерларнинг дастурийх таъминоти, NC ва MSDOS

Хусусий компьютернинг тизимли программа таъминоти ва унинг таркибий қисмлари.

Қўшимча программа (утилиталар) ва уларнинг асосий турлари.

Хусусий компьютер операцион системаси, унинг функцияси, турлари ва хусусиятлари.

Дискли операцион системанинг (MSDOS 6.27 ва ундан юқори версиялари) асосий операторлари ва уларнинг ишлатилиш хусусиятлари.

Windows операцион системаси ва унинг асосий турлари ҳамда ривожланиш босқичлари.

Локал ҳисоблаш тармоғини бошқариш учун ишлатиладиган асосий дастурлар.

Иқтисодий информатиканинг назарий асослари, маълумотларни классификациялаш ва кодлаштириш

Иқтисодий информатика тушунчаси.

Бошқарув жараёнлари технологияси ва уни ташкил қилиш.

Информация турлари ва миқдори, уни ўлчаш бирликлари.

Иқтисодий информациянинг структуравий бирликлари.

гзув, файл, машина сўзи, том, каталог тушунчалари.

Иқтисодий информациянинг классификацияси ва уни кодлаштириш усуллари.

Классификацияси ва уни кодлаштириш усуллари бўйича мисоллар.

Электрон ҳисоблаш машиналарининг структуравий тузилиши ва ишлаш принциплари

ЭХМ нинг структуравий тузилиши, асосий ташқи қурилмалари. Ишлаш принципи.

Санок системалари ҳақида тушунча (иккилик, ўн олтилик ва саккизлик системалар) ва улар билан ишлаш.

ЭХМ даги кодлаштириш системаси, ASC - II кодлаштириш системасининг қўлланилиши.

Дастурли бошқарув принципи ҳамда унинг маъноси вааҳамияти.

ЭХМ нинг дастурий таъминоти ва унинг асосий таркибий қисмлари.

Амалий ва тизимли дастурий таъминот ва унинг таркибий қисмлари.

Компиляция ва интерпретация тушунчаси. Уларнинг бир - биридан фарқи.

Иқтисодий ахборотларни қайта ишлаш ва информация ташувчилар

Машинада иқтисодий информация ишлаб чиқариш ҳақида тушунча. Унинг асосий босқичлари.

Тескари ҳамда тўғри алоқа тушунчаси ва унинг бошқарувдаги аҳамияти.

Иқтисодий информацияни диалог ва пакетли усулда қайта ишлаш. Уларнинг маъноси ваасосий турлари.

Замонавий информатсион системалар ва уларнинг турлари. Информатсион системаларни хилма - хил соҳаларда ишлатиш ва унинг аҳамияти.

Информация ташувчиларининг асосий турлари ва ишлатилиш соҳалари.

Магнит, оптик, голографик ва электрон информация ташувчилар.

Информация ташувчиларнинг қиёсий характеристикалари ва ишлатилиш соҳалари.

Хилма - хил турдаги информация ташувчиларига информация ёзишнинг асосий принциплари.

Мультимедия воситалари ва уларнинг турлари, ишлатилиши.

Архив информация сақланадиган воситалар, стриммерлар, Бернулли дисклари, оптик информация сақлаш воситалари, кредит ва дебет электрон карточкалари (электрон хотира).

Амалий программа пакетлари, Windows ва MicrosoftOffice программалари

Амалий дастурлар пакетларининг классификацияси ва ишлатилиш соҳалари.

Ўзбекистон Республикасининг алгоритм ва дастурлар фонди, ундаги асосий программалар ва бу фонд билан ишлаш.

Молия ва кредит муассасаларида ишлатиладиган амалий дастур пакетларининг асосий турлари ва уларда ишлаш.

MicrosoftOfficeамалий программалар пакети ва унда ишлаш қоидалари.

Windows амалий программалари, уларнинг хусусиятлари ва уларда ишлаш.

Матн муҳаррирлари ва улар билан ишлаш

Матн муҳаррирлари ҳақида умумий тушунчалар ва уларнинг асосий турлари.

Кенг тарқалган матн муҳаррирларининг афзалликлари ва камчиликлари.

Матн муҳаррирларида ишлаш ва матнларга ўзгартиришлар киритиш.

Буфер хотира билан ишлаш қоидалари.

Иш столи, пиктограммалар баёни ва маъноси.

Асосий иш режимлари ва уларда иш олиб бориш.

Менюлар баёни, уларнинг бажарадиган вазифалари.

Наириёт системалари, уларнинг асосий турлари, бажарадиган ишлари ва қўлланилиши.

Кодлаштиришнинг асосий турларига тасниф.

Компьютер вируслари, уларнинг турлари ва уларга қарши самарадор кураш усуллари.

ЭҲМда иқтисодий масалалар ечишни ташкил қилиш

Компьютерда иқтисодий турдаги масалалар ечишни ташкил этишнинг асосий босқичлари.

Масаланинг қўйилиши босқичининг асосий элементлари.

Қолган босқичларнинг аҳамияти ва уларнинг бир - бирига боғлиқлиги.

Алгоритмлаштириш тушунчаси ва унинг асосий турлари. Алгоритмларнинг асосий турлари.

Дастурларни блок - схемалар орқали ифодалаш ва унинг асосий элементлари.

Компьютерда ишланаётган ва узатилаётган информациянинг тўғрилигини таъминлаш усуллари.

Алгоритмик тиллар ва уларда дастурлаштириш усуллари

Дастурлаштириш ҳақида тушунча.

Дастурлаштириш тилларининг классификацияси.

Дастурлаштириш системалари ҳақида тушунча.

Алгоритмик тилнинг асосий элементлари ва тушунчаси.

Тилнинг алфавити, идентификаторлар, маълумот турлари, ўзгарувчилар, константалар.

Тилнинг асосий операторлари.

Массивлар билан ишлаш.

Дастур тузиш усуллари ва уларнинг таснифи.

Модулли ва структуравий дастурлаш.

Жадвал процессорлари (ҳисоблагичлари) ҳақидаасосий тушунчалар

Жадвал процессорлари ҳақидаасосий тушунчалар ва уларнинг турлари.

Жадвал процессорларида ишлашнинг асосий усуллари ва керакли операцияларнинг бажарилиши.

Жадвал процессорларида меню ва команда режимида ишлаш. Пиктограммалар баёни ва уларнинг бажарадиган ишлари. Меню тузилиши ва уларнинг маъноси.

Арифметик ҳисоб - китоблар олиб бориш, махсус функциялар билан ишлаш.

Формулаларнинг ифодаланиши ва улар билан ишлаш.

Статистик ва математик функциялар баёни.

Мастерлар тушунчаси ва улар билан ишлаш.

График ва диаграммалар қуриш ҳамда улар билан ишлаш.

Жадвал процессорларидаавтоматик режимда ҳисоблашни амалга ошириш усуллари.

Тақдимотлар тайёрлаш амалий программа пакети POWER POINT

Тақдимотлар ҳақида тушунча ва уларни ташкил қилиш усуллари.

Тақдимотлар тайёрлаш билан боғлиқ бўлган амалий программалар ва уларнинг афзалликлари.

PowerPoint ёрдамида амалга оширилиши мумкин бўлган ишлар.

PowerPoint дастури менюлари рўйхати ва уларнинг бажарадиган ишлари.

Тақдимот дастурида ишлаш бўйича амалий мисол тахлили.

Ҳисоблаш техникасини ишлатишнинг ташкилий усуллари

ЭҲМ ни индивидуал ва коллектив бўлиб ишлатиш усуллари ва уларнинг асосий хусусиятлари.

ЭҲМ ни марказлашган, марказлашмаган вааралаш усулда ишлатиш усуллари.

Ҳисоблаш марказлари ва ҳисоблаш тармоқлари.

Ҳисоблаш тармоқларининг асосий турлари.

Юлдузсимон, айланма, чизиқли, аралаш, локал, регионал ва глобал ҳисоблаш тармоқлари.

Электрон почта, интернет ҳақида тушунча. Уларнинг ишлатилиши ҳамдааҳамияти.

Автоматлаштирилган ваавтомат бошқарув системалари ҳақида тушунча.

Автоматлаштирилган иш жойлари ҳақида тушунча. Уларнинг асосий турлари.

Информация йиғиши, қайд қилиши, тайёрлаши, узатиши, қабул қилиши ва сақлашнинг замонавий воситалари ҳақида тушунча.

Жаҳон ва регионал миқёсдаги информация узатиш ҳамда алмашинув тизими ҳақида тушунча

Информация узатиш ва алмашинув тизимлари нима Уларқандай қисмлардан ташкил топган.

Маълумотларнинг “доменлар” кўринишидаги системаси ва унинг тузилиши.

“Интернет” қандай қилиб бошқарилади ва унинг хизматлари учун тўлов қандай амалга оширилади, у қандай ишлайди

“Интернет” да қандай ишларни амалга ошириши мумкин

Тармоқ этикаси ва хавфсизликни амалга ошириш.

Электрон почта, унинг ишлаши ва у билан ишлаш усуллари.

Электрон почтанинг имкониятлари.

Телеконференциялар ва уни ташкил қилиши.

World Wide Web ҳақида тушунча. WWW - да навигация. Сервис программалар билан ишлаш.

Бошқа турдаги амалий программалар ва уларни қўллаш.

“Интернет” информация узатиш ва алмашинув тизими ресурслари каталоги.

Информация базаларини бошқариш системалари ҳақида тушунча

Информация базаларини бошқариш системалари тушунчаси ва уларнинг асосий турлари.

Информация базаларининг бошқарув системаларида ишлаши. FoxPro, Access, DBase системаларида ишлаш ҳақида тушунча.

Информация базасини ҳосил қилиш ва унга ўзгартиришлар киритиш.

Тузилган информация базасини кўриб чиқиб таҳрирлаш, унга янги элементлар қўшиш.

Менюлар ва асосий буйруқлар маъноси ҳамда уларни ишлатиш.

Пиктограммалар билан ишлаш, танлаш ва тартибга солиш усуллари.

Интеллектуал ва эксперт тизимлар ҳамда уларнинг ишлатилиши

Интеллектуал тизимлар ва дастурлар ҳақида тушунча.

Эксперт тизимларнинг асосий турлари ва ишлатилиш соҳалари.

Интеллектуал ва эксперт тизимларнинг тузилиши ҳамда асосий қисмлари.

Интеллектуал тизимлар яратишда ишлатиладиган асосий амалий дастурий воситалар ва уларнинг ишлатилиши.

Қобиллар орқали интеллектуал тизимларни ташиқил қилиш ва қобилларнинг асосий турлари.

Интеллектуал тизимларнинг молия ва кредит ташиқилотларида иқтисодий асосланган қарорлар қабул қилишдаги роли ва аҳамияти ҳамда афзалликлари.

3. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРИ МАВЗУЛАРИНИНГ ТАХМИНИЙ РЎЙХАТИ

ЭХМ нинг тузилиши ва ишлаш принциплари

ЭХМ нинг умумий тузилиши, ишлаш принципи, асосий характеристикалари ва ташқи қурилмалари билан танишув (*).

Хусусий компьютерлар ҳақида тушунча

Хусусий компьютер клавиатурасининг тузилиши ва тугмачаларининг иши билан танишув. Windows дастурий тизимида сичқончани ишлатиш қоидалари, унинг асосий ифодаланиш формалари, экран тузилиши ва унинг асосий таркибий қисмлари (*).

Хусусий компьютернинг программавий таъминоти

Windows иш столининг тузилишини ва у билан ишлаш қоидаларини ўрганиш (*). NORTONCOMMANDER файллар бошқарувчиси билан танишув ва у билан файллар бошқарувини амалга ошириш.

NORTONCOMMANDER файллар бошқарувчисида файллар жойлашувини, экран кўрсаткичларини ва бошқа параметрларни ишлатувчи талабига мос равишда ўзгартириш.

Информация ташувчилар билан ишлаш, уларни форматлаштириш, текшириш ва бутлаш усуллари (*). Файллар, папкалар ва дискларни бошқариш.

Дискли операцион тизимининг оддий операторлари билан ишлаш (бунда МАГИСТР дастурини қўллаш мақсадга мувофиқдир).

Дискли операцион тизимнинг мураккаб операторлари билан ишлаш.

MS WINDOWS операцион система мухитида ишлаш

MSWINDOWS операцион системасининг асосий кўрсаткичлари, уни ишга тушириш ва созлаш. Асосий дарчалар ва уларнинг моҳияти. Иш жараёнида WINDOWS операцион системасининг хусусиятларини ўзгартириш. Системанинг қўшимча имкониятлари.

Амалий программа пакетлари

Амалий программалар билан танишиш ва уларнинг асосий турлари ҳақида тушунча бериш.

Windows нинг ёрдамчи системасини ишлатиш усулларини ўрганиш (*).

Матн муҳаррирлари ва улар билан ишлаш

Word матн муҳаррири ва унинг асосий имкониятлари билан танишув (*).

Wordматн муҳаррири дарчалари ва Файл менюси билан танишиш ҳамда амалий мисоллар ечиш (*).

Word матн муҳаррири менюлари ва қолган менюлар билан танишиш ҳамда амалий мисоллар ечиш (*).

Word матн муҳаррирининг Правка, Вид ва Вставка менюлари билан танишиш ва амалий мисоллар ечиш (*).

Word матн муҳаррирининг Формат ва Сервис менюлари билан танишиш ва амалий мисоллар ечиш (*).

Word матн муҳаррирининг Таблица, Оқно ва Справка менюлари билан танишиш ва амалий мисоллар ечиш (*).

WordPad редакторида хат ёзиш ва ушбу хат билан ишлаш .

Windows нинг қўшимча имкониятларини ўрганиш (файл номлари, файллар системаси, стандарт программалар, электрон почта билан ишлаш). Информациянинг хилма - хил дастурлар орасида ўзаро алмашинувини ташкил қилиш.

Жадвал процессорлари ҳақида асосий тушунчалар

Excel жадвал ҳисоблагичининг асосий хусусиятлари, экран элементлари ва тегишли экранлари билан танишув (*).

Excel жадвал ҳисоблагичининг Файл, Правка ва Вид менюлари билан ишлаш (*).

Excel жадвал ҳисоблагичида ҳужжатлар билан ишлаш ва жадвал қуриш. Вставка ва Формат буйруқлари (*).

Excel жадвал ҳисоблагичининг Сервис ва Маълумотлар менюлари билан ишлаш (*).

Excel жадвал ҳисоблагичининг Окно ва Маълумот менюлари билан ишлаш.
Унинг ёрдам системаси (*).

Excel жадвал ҳисоблагичида жадвалга оид ҳисоб китобларни ташкил қилиш (*).

Excel жадвал ҳисоблагичида диаграммалар қуриш ва улар билан ишлаш.

Excel жадвал ҳисоблагичида информация базаларини ташкил қилиш ва улар билан ишлаш.

Жадвал ҳисоблагичида иқтисодийга оид масалалар ечиш (*).

ЭХМда иқтисодий масалаларни ечишни ташкил қилиш

Чизиқли, тармоқланувчи ва циклик алгоритмларининг блок схема кўринишидаги тасвирларини чизишни ўрганиш (*). Windows гахилма - хил программаларни ўрнатиш ва улар билан ишлашни ташкил қилиш (*).

Алгоритмик тиллар ва уларда программалаштириш усуллари

Алгоритмик тилларда дастурлаштириш асослари(*).

Алгоритмик тилда оддий дастурлар тузиш ва улар билан ишлаш.

Алгоритмик тилда чизиқли алгоритм асосида дастурлар тузиш ва уни созлаш.

Алгоритмик тилда циклик (қайтарилувчи) дастурлар тузиш ва уларни созлаш (*).

Алгоритмик тилда тармоқланувчи дастурлар тузиш ва уларни созлаш.

Алгоритмик тилда мураккаб операторларни, дастурчаларни, чоп этиш операторларини ва махсус ёрдамчи операторларни ишлатган ҳолда дастур тузиш ва уни созлаш.

Жаҳон ва регионал миқёсидаги информация узатиш ва алмашинув тизими ҳақида тушунча

“Интернет”ни юклаш, унга кириш ва ишлаш (*).

“Интернет” ресурслари ва улар билан ишлашни ташкил қилиш (*). Website тузиш усуллари ўрганиш.

Тақдимотлар тайёрлаш амалий программа пакети Power Point

PowerPoint дастури имкониятлари ва асосий менюлари билан танишув (*).

PowerPoint дастури имкониятлари ва асосий менюлари билан амалий ишлаш.

PowerPoint дастуридан фойдаланиб тақдимотга оид масалалар ечиш.

Информация базаларини бошқариш системалари ҳақида тушунча

Информация базалари ва улар бажарадиган асосий ишлар (ўқитувчининг ва талабаларнинг хоҳишига қараб қуйидагилардан бири ACCESS, FoxBase, Karat ёки FoxPro танланади) (*).

Информация базаларини ҳосил қилиш системаларида маълумотлар базасини ташкил қилиш ва улар билан ишлашни уюштириш (*).

Информацияни ахтариш, классификацияни амалга ошириш, маълумотларни сортировка қилиш, базадаги тегишли маълумотларни алмаштириш, уларни тузатиш ва қайта ўзгартириш усуллари компьютерда ўрганиш.

ИББС дан фойдаланиб, талабанинг ўз шахсий информაციон базасини яратиши ва уни маълумотлар билан тўлдириши.

Интеллектуал ва эксперт системалари ҳамда уларнинг ишлатилиши

Интеллектуал ва эксперт системаларнинг амалий программавий таъминоти билан танишув ва улар билан ишлаш (*).

Бейсик тилидан фойдаланиб амалий эксперт система тузиш.

4. ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА КЎРГАЗМА - НАМОЙИШ МАТЕРИАЛЛАРИ, ЎҚУВ ФИЛЬМЛАРИ ВА БОШҚА ДИДАКТИВ МАТЕРИАЛЛАР РЎЙХАТИ

Кўргазмали - намойиш материаллар рўйхати

Ушбу фанни талабалар томонидан тўлиқ ва пухта ўзлаштирилиши учун қуйида кўрсатилган техник ва программавий воситалар ҳамда замонавий ўқув - методик материалларидан фойдаланиш керак бўлади:

1. Ўрганилаётган дастурий таъминот асосий ойналари акс эттирилган плакат, альбом ва жадваллар.
2. Дастурда ўрганилиши ва ишлатилиши кўзда тутиладиган замонавий программа дастурларининг асосий кўрсаткичлари ҳақидаги маълумотлар.

3. Ўрганилаётган мавзулар бўйича тайёрланган слайдлар ҳамда ҳар бир куллиёт учун камида 2 тадан проекторлар ҳамда уларга тегишли бўлган керакли материаллар.
4. Электрон маъруза матнлари ҳамда уларга тегишли техникавий ва дастурий ресурслар.
5. ИНТЕРНЕТ информация алмашиниш тармоғига уланиш ва унда ишлаш қоидалари.
6. Информацион - услубий таъминот бўлимида кўрсатилган адабиётлардан асосийлари ёки уларнинг нусхалари албатта ўқув муассасасининг кутубхонасида мавжуд бўлиши керак ва уларнинг баъзиларини эса ўзбек тилидаги таржимаси нусхалари зарур бўлади.

Ўқув фильмлари рўйхати

1. Информационные технологии, видеокурс лекций, М., 2001.
2. Изучаем EXCEL, видеокурс практических занятий, USA,1998.

Дидактик материаллар рўйхати

1. Интерактив таълим усуллари, Т., ХТВ, 2002.
2. Актив педагогик усуллар, Т., ТМИ, 2003.

Мультимедия иловалари

1. Школьный курс информатики, СД, М., Viva, 2000.
2. Общая информатика, СД., СПб, Питер, 2001.
3. Специальная информатика, СД, СПб, Питер, 2001 .
4. Изучаем интернет, СД, СПбМ, Viva, 2001.
5. Демонстрационные программы по изучению прикладных программ Windows 2000, программное обеспечение.

5. ЎЗЛАШТИРИШ БЎЙИЧА НАЗОРАТ ТУРЛАРИ

Талабанинг “Информатика” фани бўйича ўзлаштиришини баҳолаш семестр давомида мунтазам равишда олиб борилади ва қуйидаги турлар орқали амалга оширилади:

- - Жорий баҳолаш (ЖБ);
- - Оралик баҳолаш (ОБ);
- - Якуний баҳолаш (ЯБ).

ЖБ да фаннинг ҳар бир мавзуси бўйича талабанинг билим даражасини аниқлаб бориш назарда тутилади ва у одатда лаборатория машғулотларида тестлар ёки шахсий топшириқлар ёрдамида назорат ўтказиш, уй вазифаларини ва мустақил ечилган топшириқлар асосида амалга оширилади.

ОБ да фаннинг бир неча мавзуларини қамраб олган бўлим ёки қисм бўйича назарий машғулотлар ўтиб бўлингандан сўнг талабанинг назарий билимлари коллоквиум ўтказиш, тайёрланган рефератларлар ва мустақил таълим бўйича бажарилган топшириқларни текшириш йўли билан баҳоланади.

Фан бўйича ЖБ ва ОБ турларида талаба тўплаши мумкин бўлган максимал рейтинг баллининг миқдори ўқув режасида фанга ажратилган аудитория соатининг 70% миқдорида белгиланади.

ЯБ фан бўйича асосий мавзулар ҳамда таянч сўз ибораларга асосланган “ғзма иш” усулида ўтказилади. ЯБ бўйича талаба фанга ажратилган аудитория соатлари миқдорининг 30% и миқдорида балл тўплаши мумкин.

6. АДАБИЁТЛАР

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. “Ўзбекистон”, 1992.
2. Каримов И.А. Ислохотларни амалга оширишда қатъиятли бўлайлик. “Ўзбекистон”, 1996.
3. Ғуломов С.С., Шермухамедов А.Т., Бегалов Б.А. Иқтисодий информатика. “Ўзбекистон”, 1999. 528 бет.
4. Аюпов Р.Х., Исмоилов С.И., Аюпов Х.Р. Хусусий компьютерда ишлаш. “MicrosoftWord 2000 матн муҳаррири”. - Т.: ТМИ, 2002. 124 бет.
5. Марахимова А.Р., Рахмонкулова С.. Интернет ва ундан фойдаланиш - Т.: ТДТУ, 2001. 176 бет.
6. Ғуломов С.С. ва бошқалар. Ахборот тизимлари ва технологиялари – Т.: “Шарк”, 2000.
7. Симонович С.В. и другие. Общая Информатика. Учебное пособие. – М.: Издательство “АСТПресс”, 2001.
8. Симонович С.В. и другие. Специальная Информатика. Учебное пособие. – М.: Издательство “АСТПресс”, 2001.
9. Симонович С.В. и другие. Internet – лаборатория мастера/ М, Издательство “АСТПресс”: 2000 г.

10. Острейковский В.А. Информатика. Учебник для ВУЗ - ов. - М.: “Высшая школа”, 1999.
11. Левин Ю.. Самоучитель Word - 2000. – СПб: “ПИТЕР”, 2002.
12. Браун С. Язык “VisualBasic 6”/ - Санкт - Петербург, Издательство “Питер”, 1999.
13. Робинсон С. Microsoft Access 2000. Учебный курс. – СПб: “ПИТЕР”, 2002.
14. Microsoft Windows Professional. Русская версия. - М.: ЭКОМ, 2000.
15. Сагман Стив. MicrosoftPowerPoint 7.0 для Windows. – СПб: “ПИТЕР”, 1997.
16. Насретдинова Ш. Excel 7.0 жадвал хисоблагичлари. - Т.: “Молия”, 2000.
17. Фигурнов В.Э. IBMPC для пользователя. 7 выпуск. - М.: Финансы и статистика, 1996.
18. Холмогоров В. Основы Web - мастера, Учебный курс. – СПб: “ПИТЕР”, 2002.
19. Тойлоқов Н., Ахмедов А. IBM – PC компьютери. - Т.: “Ўзбекистон”, 2001.
20. Аюпов Р.Х., Илхомова Е. Компьютер тармоқлари ва интернет тизими. - Т.: ТМИ, 2002.
21. Арипов М., Хайдаров А. Информатика асослари. - Т.: Ўқитувчи, 2002.

Қўшимча адабиётлар

1. Новалис С. Access 2000, Руководство по VisualBasicforApplications. – М.: “Лори”, 2001, 506 стр.
2. Колвах О.И. Компьютерная бухгалтерия для всех/ Ростов на Дону: “Феникс”, 1996.
3. Крупнин А. Как найти информацию и друзей в ИНТЕРНЕТ и как заработать с помощью ИНТЕРНЕТ/М.: “Микро Арт”, 1999.
4. Дэниел. Дженел С. Бизнес в ИНТЕРНЕТ/ Ростов на Дону: Издательство “Феникс”, 1997.
5. Василенко Л.А. ИНТЕРНЕТ в информатизации государственной службы. - М.: РАГС, 2000.
6. Конрад Х. Бизнес - анализ с помощью EXCEL. – Киев: “Диалектика”, 1997.
7. Храмов П.Б. Лабиринт INTERNET. Практическое руководство. М., ЭЛЕКТРОИНФОРМ, 1996, 256 стр.
8. Шаг за шагом Internet. Мультимедийная обучающая система. - Санкт - Петербург: “Питер”, 1997.
9. И. Закарян. ИНТЕРНЕТ как инструмент для финансовых инвестиций. Санкт - Петербург: ВHV, 2000.

10. А.И. Змитрович. Интеллектуальные информационные системы. – Минск: НТООО “Темпра Системс”, 1997.
11. Дж. Крейнак. ИНТЕРНЕТ. “Энциклопедия”, - Санкт - Петербург: “ПИТЕР”, 1999.
12. Э. Наварро. XHTML, Учебный курс, Программирование. – СПб: “ПИТЕР”, 2001.
13. С.В. Симонович и другие. Вы купили компьютер. 1000 советов. - М.: АСТПресс, 2001.
14. Asia Pacific Journal of Teacher Education and Development.
<http://www.ied.edu.hk/cvic/apjted/>.
15. Current Issues in Education. <http://cie.ed.asu.edu/>
16. Effective Teaching, <http://cte.uncwil.edu/et/>
17. Journal of Special Education Technology, <http://jset.univ.edu>.